



KHOLMUMINOV Feruz

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими, PhD
E-mail: dangeroux.93@mail.ru

ҚУДДУС – ИСЛОМНИНГ ТИНЧЛИК РАМЗИ

ИЕРУСАЛИМ – СИМВОЛ МИРА ИСЛАМА

JERUSALEM IS ISLAM'S SYMBOL OF PEACE

Аннотация. Дунёда энг кенг тарқалган диний эътиқодлардан бири бўлган ислом дини асрлар давомида турли сиёсий ва ижтимоий вазиятларга ўзаро бағрикенглик ҳамда тинчликпарварлик билан ёндашуви орқали ўзининг тинчлик ва эзгулик дини эканини исботлаб келмоқда. Тарих мусулмонларнинг Худайбия сулҳи, Макка фатҳи ва Қуддуснинг халифа Умар ҳамда Салоҳиддин Айюбий томонидан фатҳ қилинишида турли дин вакилларига кўрсатган бағрикенглик ва тинчликпарварлик сиёсатини ҳамон унутган эмас. Айниқса салом шаҳри Қуддуснинг мусулмонлар томонидан илк марта фатҳ қилинганида бу ерда яшовчи аҳолининг ҳаёти ва динларига халифа Умар томонидан берилган омонлик аҳди исломнинг эзгулик дини эканлигининг яққол ифодасидир.

Калит сўзлар: Қуддус, Иброҳимий динлар, Худайбия сулҳи, Макка, халифа, яҳудийлик, христианлик, Фотимий, Ихшидий.

Аннотация. Будучи одной из самых распространенных религий в мире, ислам на протяжении веков зарекомендовал себя как религия мира и добра благодаря своему толерантному и мирному подходу к различным политическим и социальным ситуациям. История не забыла терпимость и миролюбивую политику, проявленную мусульманами по отношению к немусульманам во время Худайбийского договора, завоевания Мекки и завоевания Иерусалима халифом Умаром и Салахудином Айюби. Особенно когда город

Иерусалим был впервые завоеван мусульманами в 638 году, обещание мира, данное халифом Умаром относительно невмешательства в жизнь и религии людей иных конфессий, является ярким выражением того факта, что ислам является религией добра.

Ключевые слова: Иерусалим, авраамические религии, Худайбийский договор, Мекка, халиф, иудаизм, христианство, фатимиды, ихшииды.

Annotation. Being one of the most widespread religions in the world, Islam has proven itself as a religion of peace and goodness over the centuries due to its tolerant and peaceful approach to various political and social situations. History has not forgotten the tolerance and peaceful policy shown by Muslims towards non-Muslims during the Treaty of Hudaibiyyah, the conquest of Mecca, and the conquest of Jerusalem by Caliph Umar and Salahuddin Ayyubi. Especially when the city of Jerusalem was first conquered by the Muslims in 638, the promise of peace given by the Caliph Umar regarding non-interference in the lives and religions of the unbelievers is a clear expression of the fact that Islam is a religion of goodness.

Keywords: Jerusalem, Abrahamic religions, Treaty of Hudaibiyyah, Mecca, Caliph, Judaism, Christianity, Fatimids, Ikshidids.

КИРИШ

Асрлар давомида мусулмонларнинг турли сиёсий ва ижтимоий вазиятларга ўзаро бағрикенглик ҳамда тинчликпарварлик билан ёндашуви орқали ислом ўзининг тинчлик ва эзгулик дини эканини исботлаб келмоқда. Худайбия сулҳи, Макка фатҳи, Қуддуснинг халифа Умар (р.а.) ва Салоҳиддин Айюбий томонидан фатҳ қилиниши каби кўплаб тарихий воқеаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Булар ичида биргина тинчлик шаҳри Қуддуснинг мусулмонлар томонидан икки марта фатҳ қилинганида ҳам бу ерда яшовчи ўзга дин вакиллариининг ҳаёти ва динларига халифа Умар (р.а.) ва Салоҳиддин Айюбий томонидан кўрсатилган марҳамат тарих китобларига зарҳал ҳарфлар билан битилгандир. Исломни экстремизм ва террор дини сифатида намоён бўлишига сабаб бўлаётган турли бузғунчи, ақидапарас оқимлар аввало тарихга назар солишлари заруратдир. Бу ўринда, бугун турли фитнаю, бузғунчиликлар гирдобиди колаётган Қуддус тарихи исломнинг тинчликпарварлик руҳини тўлиқ очиб беришга қодир кўплаб мисоллардан биридир.

Тарих давомида турли номлар билан аталган Қуддус кўплаб динлар қатори

Иброҳимий динлар бўлмиш яҳудийлик, христианлик ва ислом учун ҳам ўзининг муҳим ўрнига эгадир (8; 161). Шаҳарга нисбатан турли тил ва маданиятларда қўлланган “Урсалимму”, “Уршалим”, “Шалам”, “Иерушалаим” номлари “Тинчлик шахри” маъносини ифодалайди (1; 36). Мусулмонлар шаҳарни “муборак қилинган ёки баракали” маъноларини англатувчи “Қуддус” исми билан бир қаторда “Илия” ҳамда “Байтул-Макдис” номлари билан ҳам атайдилар (6; 304). Байтул-Макдис атамаси дастлаб фақат маъбадни ифодалаган бўлса, вақт ўтиши билан у бутун шаҳар учун ишлатила бошлаган, маъбад ҳудуди эса “Ҳарам” деб юритила бошлаган. Қуддус Иброҳим алайҳиссалом давридан бошлаб қўплаб пайғамбарлар яшаган ва муқаддас саналган заминдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қуддуснинг мусулмонлар учун муҳим аҳамият касб этиши Пайғамбар (а.с.)нинг Исро кечасидаги саёҳати ҳамда илк қибла сифатида белгиланиши билан боғлиқдир. Қуддуснинг мусулмонлар томонидан илк бор фатҳ қилиниши ҳалифалик қўшинлари бош қўмондони Абу Убайда ибн Жарроҳ томонидан шаҳарнинг камал қилиниши натижасида амалга ошган. Омонлик сўраб, мусулмонлар билан битим тузишни таклиф қилган Қуддус аҳли шаҳарни халифанинг ўзига топширмакчи эканини айтади. Шундан сўнг, ҳазрати Умар (р.а.) 638 йили Жобиядан Қуддусга келиб, шаҳарни Патриарх Софронийдан қабул қилиб, келишувни имзолайди (5; 218).

Қуддус аҳли билан тузилган бу келишув жия эвазига, уларнинг жонларига, молларига, черковларига, хочларига, беморларига ва соғларига ҳамда шаҳарда яшовчи бошқа миллатларга омонлик беришни назарда тутар эди. Ҳазрати Умар (р.а.) Қуддусда масжид қуришни буюриб, ўзи қози этиб тайинлаган Убода ибн Сомитдан одамларга Ислом динини ўргатишни сўрайди. Фаластин фатҳ қилинганидан сўнг минтақа бошқарувининг ярмини Алқама ибн Мужаззизга топшириб, Қуддусни минтақанинг маъмурий бошқарув маркази қилишини маслаҳат беради. Ҳалифа Усмон (р.а.) ҳам Қуддусга алоҳида эътибор қаратиб, Силван боғларидан келадиган даромадни шаҳарнинг камбағал халқига вақф қилиб беради (1; 111).

Умавийлар даврида Муовия ибн Абу Суфённинг давлат марказини Дамашққа

(Шом) кўчириши, Қуддус аҳамиятининг янада ортишига сабаб бўлади. Муовия, 660 йили Қуддусда халқдан байъат олиб, ўзининг халифалигини эълон қилади.

Аббосийлар ҳокимият тепасига келиб, Бағдод пойтахтга айланганидан сўнг Сурия ва Фаластин ҳудудлари нисбатан орқада қолган бўлса-да, Қуддус Ислом оламида Макка ва Мадина билан бир қаторда учинчи муқаддас шаҳар бўлиб қолишда давом этади.

878 йили Тулунийлар сулоласи асосчиси Аҳмад ибн Тулун Фаластинни босиб олгач, Қуддус Тулунийлар қўлига ўтади. Шаҳар 905 йилгача Тулунийлар ундан кейин йигирма йиллик Аббосийлар ҳукмронлигидан сўнг Муҳаммад ибн Туғж (Тағаж) томонидан асос солинган Ихшидийлар салтанати, 969-1071 йиллар оралиғида эса, бир аср давомида Фотимийлар давлати ҳукмронлиги остига ўтади. Фотимийлар даврида Қуддусда тиббиёт соҳасида катта ўзгаришлар юз беради. Фотимийлардан сўнг Қуддус чорак аср давомида салжукий-туркманлар ҳукмронлиги остига ўтади. Салжукийларнинг Қуддусдаги йигирма беш йиллик ҳукмронлиги даврида шаҳарда суннийлик ўналишида муҳим илмий ўзгаришлар амалга оширилади (7; 327).

Қуддус тарихида Салибчилар даври ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. I салиб юришида қатнашган қўшинлар Қуддусни 1099 йили 15 июлда беш ҳафталик камалдан сўнг ишғол қиладилар. Салбчилар Қуддусни эгаллаб олгач, мисли қўрилмаган қирғинбарот-у, хунрезликларни содир қилади. Улар ўз жонини сақлаб қолишга эришган жуда ҳам оз сонли Қуддус аҳолисидан ташқари – шаҳардаги барча мусулмонларни – ҳатто яҳудийларни ҳам мусулмонларга ёрдам берганликда айблаб қатл қилади. Қуддусдаги мусулмонларга оид барча нарсаси талон-тарож қилинади. Куббатус саҳро ва Масжидул-Ақсодаги муқаддас ашёлар яксон этилиб, қимматбаҳолари талон-тарож қилинган. Масжидлар черковга айлантирилган ёки бошқа мақсадларда фойдаланилган. Масжидул-Ақсо саройга, Куббатус саҳро “Буюк черков”га (Темплум Домини) айлантирилган. Вақт ўтиши билан янги-янги черковлар қурилган. Исо (а.с.) қабри жойлашгани айтилувчи жойда Муқаддас қабр (Қиёма) черкови қайта бунёд қилинади. Ваҳоланки, 461 йил давомида ислом ҳукмронлиги остида бўлган Қуддусда мусулмонлар насронийларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг дини ва ибодатхоналарига ҳурмат билан муносабат кўрсатган эдилар.

Салоҳиддин Айюбийнинг Қуддусга кириши 1187 йили 2 октябрь жума куни, меърож кечасига тўғри келган. Бундан саксон саккиз йил аввал салибчилар қонга ботирган шаҳарда ҳеч қандай бузғунчилик қилинмади. Салибчилар Қуддусни тарк этганда, православ ва сурёний христианлари шаҳарда қолади. Яҳудийларга ҳам шаҳарга жойлашишга рухсат берилади. Христианларнинг муқаддас жойлари бошқаруви православ черковига топширилади. Бир муддат Қуддусда қолган Салоҳиддин Айюбий салибчилар томонидан сарой сифатида фойдаланилган Масжидул-Ақсони қайтадан масжидга айлантиради (4; 330).

Айюбийлардан сўнг Мамлуклар Қуддусга катта аҳамият бериб, шаҳарни қайта тиклайди. Бугунги кунгача сақланиб қолган Қуддусдаги 150 га яқин муҳим тарихий обидалардан 80 таси Мамлуклар даврига тегишлидир. Бу даврда Қуддусда элликка яқин мадраса, йигирмага яқин зовия, хонақоҳ ва риботлар бўлган.

Қуддус аҳолиси араблар, барбарлар, хиндлар, турк ва кавказ миллатига мансуб мамлуклар, туркманлар, курдлар, шунингдек, мўғуллар истилоси даврида Анадолу ҳамда Эрондан келган бошқа миллат ва элат вакиллари билан иборат эди. Шаҳар уч самовий дин вакиллари томонидан муқаддас саналгани туфайли ҳам космополит тузилишга эга бўлган. Шаҳар аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар, ундан кейин насронийлар ва яҳудийлар ташкил этган. Қуддусдаги насроний ва яҳудийлар ислом қонунлари томонидан уларга берилган зиммий мақоми доирасида ўз маҳаллаларида бемалол ҳаёт кечирганлар. Христиан диёрларидан келган зиёратчиларга Қуддусда ўзларининг ҳаж зиёрати амалларини бажаришига рухсат берилган (3; 332).

Усмонлилар ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврлар ҳам Қуддус тарихида муҳим аҳамиятга эгадир. Қуддус шаҳри Явуз Султон Салимнинг Марж-Дабиқда мамлуклар устидан қозонган ғалабасидан сўнг 1516 йил октябрда Усмонлилар ҳукмронлиги остига ўтади. Усмонлиларнинг ушбу санадан бошланган Қуддусдаги ҳукмронлиги, Кавалали Меҳмед Али Пошо давридан (1831-1840) ташқари, 1917 йилнинг декабрига қадар тўрт аср давом этади.

Усмонли империяси Қуддусни ўз бошқаруви остига олганидан сўнг, Қуддусга

алоҳида аҳамият бера бошлайди. Айниқса, Султон Сулаймон Қонуний даврида шаҳарда катта қурилиш ишлари амалга оширилади. Қуббатус саҳрони қайта тиклашдан бошланган бунёдкорлик ишлари шаҳарни ўраб турган 5-6 километр узунликдаги деворлар қурилишига улашиб кетади. Султон Сулаймон томонидан амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири Байтлаҳм ва Ҳалилурраҳмондан Қуддусга сув олиб келадиган каналларни таъмирлаш, шаҳарга суви тарқатиладиган ҳовузларни янгилаш, шунингдек, бештаси шаҳар ичида бўлган жами олтита чашма қурилиши бўлди. Султоннинг рафиқаси Хуррам Султон томонидан 1551 йилда қурдирилган куллия ҳам Қуддусдаги энг муҳим хайрия ташкилотларидан бири эди (1; 118). Ўз ичига масжид, мадраса, карвонсарой, меҳмонхона ва ошхона қамраб олувчи мазкур мажмуа Қуддусдаги Усмонлилар даврининг кўзга кўринган асарларидан биридир.

1870 йиллардан бошлаб, минтақада яҳудийлар сони ортиб бориши ҳамда 1882 ва 1905 йилларда юз берган кўчманчиларининг икки асосий тўлкини ордидан яҳудийларнинг шаҳарга келиб жойлашиши натижасида Қуддус аҳолиси таркиби ўзгара бошлайди. Усмонлилар империяси яҳудийларнинг муқаддас заминга кўчиб келиши ва уларга ер сотилишини олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрган бўлса-да, бу борада муваффақиятга эриша олмади. Айниқса, Абдулҳамид II даврида сионизм ва яҳудийларнинг Фаластинга кўчиб келишига қарши кўплаб ҳаракатлар амалга оширилди. Биринчи жаҳон урушида Усмонли империясининг мағлубиятга учраши Қуддус тақдирининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

1917 йилнинг 9 декабрида Қуддус мағлуб бўлди ва 11 декабр куни Британия армияси шаҳарга киради. Британия истилоси натижасида фақат салибчилар босқини даврида бир муддат қўлдан чиқарилган Қуддусдаги қарийб 1200 йиллик мусулмон ҳукмронлигига барҳам берилади. Истило натижасида маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи мусулмон ва араб насронийлари ўрнига минтақага янги келган яҳудийлар жойлаштирилади. Қуддус 1917-1920 йилларда Британия ҳарбий бошқаруви остида қолади. 1920 йилда Қуддуснинг Британия мандатига ўтиши ордидан Британия фуқаролик бошқаруви ҳокимият тепасига келади, бу 1948 йилда Исроил давлати ташкил топгунга қадар давом этади. Британия маъмурияти бу ерга

яхудийларнинг оммавий кўчиб келишига рухсат бериши натижасида, Қуддус ва Фаластин 1920, 1928, 1929, 1933 ва 1936 йилларда бир қатор норозилик намойишлари, қуролли қўзғолонлар, иш ташлашлар ва бойкотлар гувоҳи бўлди.

1947 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этилган Фаластинни бўлиш режасида Британия Қуддусга халқаро мақом беришни таклиф қилди. 1948 йилги араб-исроил урушида Исроил Ғарбий Қуддусни босиб олади. Иордания эски шаҳарни, яъни Шарқий Қуддусни эгаллаб олади. Шундай қилиб, Қуддус Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб қолади. 1950 йилнинг январида Исроил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қуддусни “*corpus separatum*” (алоҳида орган) деб эълон қилган 1948 йилги резолюцияларига зид равишда Ғарбий Қуддусни ўзининг пойтахти деб эълон қилади ва парламент каби муҳим ҳукумат идораларини у ерга кўчиради. 1967 йилги араб-исроил уруши пайтида шаҳарни бутунлай эгаллаб олган Исроил, куч ишлатиш йўли билан шаҳарни яҳудийлаштириш ҳаракатларини тезлаштиради(2; 337). Янги шакллантирилган аҳоли пунктлари шаҳар атрофи бўйлаб жойлаштирилгани ва айниқса Шарқий Қуддуснинг араб аҳолисини сон жиҳатдан ортда қолдириши кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг 2245 мажлисида ушбу ҳаракатни қоралаб, унга қарши қабул қилган 478 сонли резолюциясига қарамай, Исроил Қуддуснинг араб-мусулмон тузилишини заифлаштириш сиёсатини давом эттиради. 1980 йили 21 августда бир томонлама равишда шаҳарнинг шарқий ва ғарбий қисмларини ўз ичига олувчи бирлашган Қуддусни Исроилнинг абадий пойтахти деб эълон қилади. Аммо Исроилнинг бу қарорига БМТ қаторида кўплаб давлатлар қарши чиқди. Бугунги кунда ҳам Фаластин пойтахти бўлмиш Қуддус шаҳрининг мақоми борасидаги тортишувлар давом этмоқда.

ХУЛОСА

Исроилнинг Қуддус ва Фаластиндаги арабларнинг ҳуқуқларини чекловчи сиёсати 1987 йилда Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида исёнлар чиқишига олиб келди. 1990 йилларда ҳам Қуддуснинг араб-мусулмон тузилишини ўзгартиришга қаратилган сиёсатлар давом эттирилади. Тарихий жойларни бузиш,

арабларга тегишли кўчмас мулкларни мусодара қилиш, турар-жой рухсатномаларини бекор қилиш, янги бинолар қуришга рухсат бермаслик ва бошқа шу каби турли сабаблар билан араблар шаҳарни тарк этишга мажбур қилинади. Мазкур сиёсатлар натижасида Қуддусдаги яҳудийлар қўлидаги мол-мулк бир неча баробар ортади. Афсуски, бутун дунёнинг кўз ўнгида мазкур минтақа мусулмонларига қарши бу каби босим ва кўркитиш сиёсати бугун ҳам тўхтовсиз давом этмоқда.

Ваҳоланки муқаддас Қуддус шаҳри Сулаймон алайҳиссалом бунёд қилган Байтул-Макдисни ўз бағрида сақлагани, Исроил ўғиллари ҳамда уларга юборилган пайғамбарларнинг курашлари ўтган жой бўлгани, Исо пайғамбар бошидан ўтказган қийинчиликларга гувоҳ бўлгани, мусулмонларнинг илк қибласи ҳамда меърож кечасининг ушбу шаҳарда юз бергани туфайли яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари анъаналарида ўзининг муҳим ўрнига эгадир. Қуддус минг йиллар давомида кўплаб динлар, тиллар, давлатлар, маданиятлар ва қадим меросларни бағрида сақлаб келмоқда. Дунёда, Қуддус каби бир вақтда учта дин муқаддас деб ҳисоблайдиган, уни асраб авайлаб биргаликда баҳам кўрадиган бошқа бирорта шаҳар йўқдир. Бу шаҳарда яшовчи бирор дин вакилига нисбатан амалга оширилган зўравонлик бутун диндорлар ҳуқуқларининг поймол қилиниши демакдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bünayamin Erul. Kudüs ve aks-a. Ankara: Diyanet işleri başkanlığı, 2019. – S. 111.
2. Kâmil Cemîl el-Aselî. Kudüs: Osmanlı Dönemi ve Sonrası. TDV İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı, 2002. 26. Cilt. – S. 334-338.
3. Cengiz Tomar. Kudüs: Memlûkler Dönemi. TDV İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı, 2002. 26. Cilt. – S. 332-334.
4. Işin Demirkent. Kudüs: Haçlılar Dönemi. TDV İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı, 2002. 26. Cilt. – S. 329-332.
5. Роғиб ал-Исфакхоний. Ал-Муфрадат фи ғариб ал-Қуръан (ншр. М.Саййид Киланий). Қоҳира: 1961
6. Табарий. Жомеъ ул-баён. (ншр. Сидқий Жамил ал-Аттор). Байрут: 1995. I, – С. 304.
7. Casim Avcı. Kudüs: Fethedilişinden Haçlı İstilasına Kadar. TDV İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı, 2002. 26. Cilt. – S. 327-329.
8. Zamfir Ioana. Jerusalem in Motion. Images of Jerusalem in the Bible and Beyond. Review of Ecumenical Studies. 2021. – pp. 160-174.